# ЧЕКИНИШ ЙЎҚ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
ИҚТИСОДИЙ УМУМТАЪЛИМ УНИВЕРСИТЕТИ

• МУСТАҚИЛЛИК
• ЎЗ ХАРАЖАТИНИ ЎЗИ ҚОПЛАШ
• ЎЗИНИ-ЎЗИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ
• ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақидаги Қонун кучга ҳам кирди. Экономикамиз учун тарихий воқеа юз берди. Бутун маҳсулотимизнинг 60 процентини ишлаб чиқарувчи корхоналарни ислоҳот қамраб олди. Ўн миллионлаб кишилар янги Қонун — «кучланиш майдони» амал қиладиган зонага кирди. Бу кучланиш майдони ташқаридангина бизга дахл қилмасдан, балки ичкаридан ҳам ўтиб, бажараётган ишимиз учун ўткир бурч ва масъулият ҳиссини туғдирмоқдаки, шусиз бундан кейин ишлашни тасаввур қилиб бўлмаслиги ва аслини олганда экономикамизнинг ахлоқий заминини тасаввур этиб бўлмаслиги ҳаммамизга аён бўлиб қолди.

Тўрт системада — мустақиллик, ўз харажатларини ўзи қоплаш, ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ва ўзини-ўзи бошқариш системасида иш бошлаганлар, гарчи, айтайлик, бошқа вариантлар бўлса-да, ўткир бурч ва масъулиятни ҳис қилганларига ишончим комил. Лекин қандай бўлганда ҳам, улар Қонун ўз-ўзидан амал қилмаслигини, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмаслигини, корхоналарга берилган ҳуқуқ — иқтисодий ва социал ижод қилиш ҳуқуқи эканлигини, бинобарин **ҳақиқий ишга айлантириш лозим бўлган имконият эканлигини** бошқалардан кўра яхшироқ билиб олдилар. Ҳар бир корхона инсон қобилиятини тўлароқ намоён этувчи ўзининг, фақат ўзига хос бўлган хўжалик юритишнинг конкрет формаларини топиши кераклиги ҳам тушуниб етилди. Илгарилари давлат дотациялари ҳисобига кун кўриш мумкин эди. Бунда меҳнат коллективларининг манфаатларига заррача бўлса ҳам путур етмасди (ваҳолонки, бундан бизнинг бутун экономикамиз ва кўпчилигимиз зарар кўрдик). Бугунги кунда эса, Қонун кучга кириши билан корхона ҳаётининг шароитлари, унинг ўзини-ўзи ривожлантириш ички воситаларини хўжалик ҳисоби ва фақат шугина ишга солади.

Афсуски, бизнинг назариётчиларимиз ва амалиётчиларимиз узоқ вақтлар давомида экономиканинг хўжалик ҳисоби сингари муҳим дастурига жуда юзаки қараб келдилар. Аслини олганда ундан В. И. Ленин НЭП даврида жорий этган асосий хусусиятлар чиқариб ташланди. Хўжалик ҳисоби ўз моҳиятини йўқотиб, товар-пул муносабатларидан ташқарига чиқиб қолди. Шунинг учун хўжалик фаолияти самарадорлигининг асосий мезонлари билан ҳеч бир боғлиқ бўлмаган жуда кўп хусусий ва фойдаси сезилмайдиган «стимуллар» ва дастурларни волюнтаристларча вужудга келтира бериш мумкин бўлди.

Эндиликда партия хўжалик ҳисобини ленинча тушунишга қайтиб, экономикани унинг талабларига тўла мос равишда олиб бориш вазифасини илгари сурди.

Бугунги кунда хўжалик ҳисоби деганда биз нимани тушунамиз?

Икки оғиз сўз билан айтганда уни бундай деб айтиш мумкин: ишда омилкор бўл. Кирим-чиқимни ҳисоб қил. Ўзинг ишлашни хоҳламаган жойда бошқалар сенинг ишингни қилиб бермаслигини эсда тутиб, топганингга қараб яша. Шуни ҳам эсда тутки, ёмон ишласанг, хўжалик ҳисоби давлатдан ва ўз шерикларидан катта қарздор бўлиб қолган, зарар кўриб ишловчи корхонанинг ишини тўхтатиб қўйишдек энг сўнгги, лекин реал чорани ҳам кўради. Бошқача айтганда, давлат ҳамёни ҳисобига бемалол кун кўриш ўрнига банкротга учрайди (бу сўз «бизники» бўлмаса ҳам, лекин масаланинг моҳиятини аниқ ифодалайди).

ЛЕКИН хўжалик ҳисобидек жиддий иқтисодий тадбирга жавобан четдан бошқа бир реакцияни келтириб чиқарадиган бир органнинг функциясининг муқаррар равишда ўзгаришига сабаб бўладиган ва бир-бирига боғлиқ бўлган мураккаб иқтисодий организмда, албатта, қайта қуриш ва хўжалик юритиш механизмининг бошқа жиҳатлари қаршиликка учрайди. Масалан, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш корхона банк кредити билан кенг таъминланиб турсагина ишлаб чиқариш самарадорлигини бемалол рағбатлантириши аниқ бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам банк ишини шундай ташкил этиш кераккки, корхона оператив равишда, кўпдан-кўп илтимосларсиз ундан ўзига керакли суммани олиши ва, албатта, бу қарзни вақтида тўлаши керак, деган хулоса чиқарилди. Банкларнинг янги системаси тузилди. Ихтисослаштирилган банклар — Промстройбанк, Агропромбанк, Жилсоцбанк, Омонат маблағлар банки — корхоналарнинг шериги бўлиб қолди ва уларнинг ўзлари экономикага ажратадиган маблағларни кўпайтиришга ҳаракат қиладиган бўладилар. Илгарилари эса уларнинг илтимосларидан қочиб юрилларди.

Ўзини-ўзи пул билан таъминлаш таннарх ва нархни ошириш ҳисобига фойдани «суғуриб оладиган» энг осон йўлдан бормаслиги керак. Афсуски, маблағ топишнинг бундай практикаси бугунги кунда ҳам қўлланилмоқда. Бунга қаттиқ тўсиқ қўйиш керак. Меҳнат коллективларини хўжалик юритишни яхшилашга даъват этувчи иқтисодий нормативлар ёрдамида шундай қилиш керак, албатта.

Корхоналарнинг ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаи коллективнинг ҳалол ишлаб топган хўжалик ҳисоби даромадидир. Бизнинг ҳисоб-китобларга кўра, унинг халқ хўжалигидаги ҳажми 300 миллиарддан кўп сўмни ташкил этади. Бу — озмунча эмас! Ундан ҳақиқатан ҳам ишнинг кўзини билиб пухта фойдаланиш керак.

Лекин корхоналар мустақиллигининг кенгайиши ҳозирги замон хўжалик юритиш механизмининг яна бир энг муҳим шартини бажармас экан, кутилган натижаларга эришолмайди. Бу шарт **мамлакат экономикасига марказлашган раҳбарлик билан ўзаро аниқ ҳаракат қилишдир.** Эркин бозор хўжалиги ҳақидаги хаёлларга берилиб кетмаслик учун бу нарсани яхши англаб олмоқ керак. Социалистик (шунингдек капиталистик ва ривожланаётган) мамлакатларнинг ривожланиш тарихи шуни кўрсатдики, **экономикани марказлашган тартибда бошқариш — ҳозирги замон бошқариш методларининг ажралмас хусусиятидир.**

Бундай марказлаштириш нима учун керак? Шунинг учунки, корхоналар бўшлиқда эмас, улар ўз шериклари, давлат бошқарув органлари билан минглаб иплар орқали боғланган бўлиб, ягона халқ хўжалиги комплексини ташкил этади. Ҳамма гап — ҳозирги шароитда, бир томондан корхонанинг мустақиллигини сақлаб қолиб, унинг компетенциясини бузмасликда, иккинчи томондан эса унинг фаолиятини халқ хўжалиги учун муштарак бўлган вазифаларни бажаришга қаратишдадир.

Илгарилари қандай бўларди? Корхонага илгарилари марказдан 100 дан ортиқ кўрсаткич белгиланарди. Ҳар бир идора ўз манфаатлари доирасини назарда тутиб тармоқ министрлиги орқали ўз кўрсаткичини ўтказишга ҳаракат қиларди. Кўп ҳолларда улар бир-бири билан боғланмаган бўларди. Ҳатто Госплан ҳам кўрсаткичларнинг (айниқса, натура-буюм ва қиймат кўрсаткичларида) энг мақбул тарзда бир-бири билан уйғунлашувини таъминлашга ожиз эди. Бошқарув органлари манфаатларининг бир-бири билан маслаҳатлашиб иш тутмасликларидан ишлаб чиқариш қанчалик азоб чекиши шундан кўриниб турибди. Энди эса марказлашган бошқарув иқтисодий методларга асосланган ва у контроль рақамлар, давлат буюртмалари, узоқ муддатли иқтисодий нормативлар ва лимитлар сингари дастурлар орқали амалга оширилади.

АНА ШУ «дастурлар» ортида планлаштиришнинг эски методлари яшириниб ётмаяптими? Ахир, бугунги кунда ҳам министрликлар ўзларига қарашли корхоналарга хоҳлаган либосларини кийдириб, ўзларининг тор, ғирт «аппарат»лари фойдасини кўзлаётганликларини кўрсатувчи кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бугунги кунда корхоналар зиммасига юкланаётган кўпдан-кўп давлат буюртмалари, айниқса, катта норозиликларни келтириб чиқармоқда.

Лекин давлат буюртмалари ҳамма нарсани ҳам қамраб олавермаслиги керак, у корхонанинг бутун маҳсулотини ўз ичига олмайди. Унда зарур иқтисодий тадбирлар ўтказиш учун бир қисм қувватлари бўлиши керак. Шундагина у бозорни ўрганишга, истеъмолчилар талабини қондиришга интиладиган шароитга киради. **Шундагина ҳаммамиз кўпдан бери кутган иқтисодий «ёриб кириш» ниҳоят ҳамма корхоналарни қамраб олади ва биз истеъмолчилар учун ҳамда янги технология учун кураш гувоҳи бўламиз. Бу кураш эса олдимизга қўйган мақсадга эришишнинг асосий воситасидир.** Кўпгина меҳнат коллективлари шундай мақсадларга амал қилган тақдирда улар ўртасида муқаррар равишда иқтисодий мусобақалашув авж олади. Энди монополиялик, юқоридан туриб ижрочиларга буйруқ бериш бироз қисилишига тўғри келади. Бунинг оқибатида эса истеъмолчилар, яъни сиз билан биз ютиб чиқамиз.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, товар-пул категорияларининг рағбатлантирувчи функциялари ривожланиб борган сари давлат буюртмалари соҳаси торайиб боради, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги тўғридан-тўғри шартномавий муносабатлар улуши эса кўпаяди. Беш йилликнинг қолган уч йилида давлат буюртмаси директив натура кўрсаткичларига яқинлашиб қолади. Шу кўрсаткичлар йириклаштирилган бўлса-да, бу ўринда ҳам бизнинг жуда катта ишлар ҳажмини бажаришимизга тўғри келмайди, деган маънони асло билдирмайди ва бунда, аввало, давлат буюртмалари составини белгилашимиз керак бўлади. Бу йўлдаги ҳаракат бошланганлигини СССР Госпланининг ниятларидан ҳам билиш мумкин: **1988 йилда давлат буюртмаларига 1,5 минг номенклатура позицияси ёки 1987 йил планидагига нисбатан 3—4 баравар кам позиция киритилган.** Тўғри, гарчи Госплан ўзини ортиқча маҳсулотлар номенклатурасидан «ҳоли» қилган бўлса ҳам, министрликлар ҳамон аввалгидек маъмуриятчиликка берилиб кетмоқдалар, корхоналарни давлат буюртмаларига тўлдириб юбормоқдалар.

Давлат буюртмаларини берадиганлар билан уни бажарадиганлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизмини пишиқтириш зарурлиги аниқ-равшан бўлиб қолди. Бу муносабатлар иқтисодий жиҳатдан қайд этилмоғи лозим. Томонларнинг икки томонлама масъулияти, давлат буюртмаларини бажариш учун рағбатлантириш йўллари, солиқ ва кредит имтиёзлари, хом ашё билан таъминлаш ва ҳоказолар ишлаб чиқилмоғи лозим. Давлат буюртмаси тўғрисидаги Низомда бу янги иқтисодий категория ҳуқуқ нормаси билан мустаҳкамланган бўлиши, айниқса, зарур бўлиб қолди.

Узоқ муддатли иқтисодий нормативлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг вазифаси маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши, иш ҳақи, бюджет ва корхона даромадлари ўсиши ўртасидаги динамиканинг энг муҳим нисбатини назорат қилишдан иборат. Афсуски, биз ҳозиргача узоқ муддат амал қиладиган иқтисодий нормативларни белгилашга ишончли, илмий асосланган дастурларга эга эмасмиз. Ваҳолонки, худди шу ўринда эски ва янги механизмлар ёки адабиётчи-иқтисодчилар айтадиганидек, «суворийлар» ва «савдогарлар» ўртасидаги азалий низо бир-бирига дуч келиб қолади. Социализмнинг объектив қонунлари амал қилишини акс эттирувчи асосланган нормативлар бўлса ҳам коллектив, ҳам шахсий манфаатдорликни мустаҳкамлаш учун асос бўлади. Бундай нормативлар бўлмаса ёки улар қоғоздаги ҳисоб-китобдагина бўлса — демак, иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

ЭКОНОМИКАНИ БОШҚАРИШ системасини қайта қуришнинг ҳамма вазифалари ичида энг қийини, биз уни ҳал қилмасдан иложимиз йўқ — корхоналарни моддий жиҳатдан таъминлаш системасини қайта қуришдир. Бунда ҳам катта-катта ўзгаришлар бошланди. Улгуржи савдога кенг йўл очиб берилди. У тўрт-беш йил ичида корхоналарни моддий ресурслар билан таъминлашнинг асосий формасига айланиши керак. Аслини олганда, ишлаб чиқариш воситалари соҳасида уларни «юқоридан» тақсимлашдан товар-пул формаларига ўтиш, бунда нарх механизмидан (шу жумладан, ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасида белгиланган шартнома бўйича) актив фойдаланишга ўтилади. Бу ҳол экономикага эпчил тус беради, ишлаб чиқариш ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш, бу ресурсларни, аввало, яхши ишлайдиган корхоналарда тўплаш имконини беради.

Янги хўжалик механизмининг назарий моделидан уни амалга оширишгача «жуда катта масофа» бор. Жуда кўп тўсиқлар келиб чиқади, пухта ташкилий ишлар олиб бориш талаб қилинади. Энг қийин жойи шундаки, эски хўжалик механизмидан янги хўжалик механизмига ўтиш беш йиллик планни амалга ошириш шароитидаги қизғин ишлар давомида юз бермоқда. Экономикани ривожлантиришнинг экстенсив омиллари ўз умрини ўтаб бўлди, интенсив омиллари эса миллий даромаднинг ўсиш суръатларига ўз таъсирини ҳали тўла равишда сездираётгани йўқ.

Хўжалик механизмини қайта қуришнинг кўпгина қийинчиликлари ҳозиргача ҳукм суриб келган бир қолипдаги фикрлаш билан, кадрларни сусткашлик билан қайта ўргатиш, уларнинг сустлиги, иқтисодий саводининг пастлиги, уларнинг ташаббускорлик ва омилкорлик сингари фазилатларни йўқотиб қўйганликлари билан боғлиқ эканлиги аниқ-равшан бўлиб қолди.

Буларнинг ҳаммаси қайта қуришни кенг авж олдиришга ҳалақит бериб турган бўлса-да, лекин бу йўлни тўхтата олмайди. Янги хўжалик механизмига ўтиш борасида ўз кўламига кўра, жуда чуқур қайта қуриш ишлари олиб борилмоқда. 1989 йилда яна 17 министрлик янгичасига ишлашга ўтказилади. 1990 йилда эса ноишлаб чиқариш соҳанинг ҳамма тармоқлари корхоналари шундай ишлашга ўтади.

Хўжалик ҳисоби муносабатлари системасида асосий нагрузка узоқ муддатли иқтисодий нормативлар зиммасига тушишини биз юқорида айтиб ўтдик. Афсуски, ҳозирча нормативларнинг бирлигини таъминлашга эришилганича йўқ. Уларнинг ҳажми кўп даражада даромадлар ва харажатлар ўртасидаги нисбатга (аввало, беш йиллик пландаги капитал маблағларга) боғлиқ. Давлат бюджетига фойдадан ажратмалар нормативининг жуда катта дифференциясининг нохуш таъсирини сусайтириш учун муҳим қарор қабул қилинди: беш йиллик план топшириқларидан ташқари фойдани кўпайтиришга муваффақ бўлаётган корхоналарга бир хил ажратма нормативлари белгилаш кўзда тутилди. Шу фойданинг 70 проценти корхона ихтиёрида қолади, 30 проценти эса давлат ихтиёрига ўтказилади. Ҳозирги вақтда 13-беш йиллик планнинг таркибий қисми бўлган иқтисодий нормативларни тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди. Масалага сифат жиҳатидан янгича қаралади. Бу нормативлар планни ишлаб чиқиш, натура ва қиймат нисбатларини бир-бирига уйғунлаштиришнинг энг муҳим дастури бўлади. Кўзланган фойдага солиқ чиқариш методлари (ресурслар учун ҳақ ундириб олиб) ишлаб чиқилмоқда.

Улгуржи, харид ва чакана нархларни ислоҳ қилишга тайёргарлик ишлари кенг авж олдириб юборилди. Нархларнинг ҳамма турлари биринчи марта ўзаро алоқадорликда қайта кўриб чиқилади. Корхонанинг «яшаш муҳити»даги янгилик, унинг бошқарувнинг олий бўғини системаси — давлат томонидан планлаштириш, молия ва кредит, моддий таъминлаш системаси билан ўзаро алоқадорлигининг янги усуллари таркиб топмоқда.

Корхоналарнинг янги шароитда ишлаши учун ҳуқуқий асослар йўлини «тозалаш» ишлари ниҳоясига етмоқда. Марказий иқтисодий органлар томонидан нашр этилган барча норматив актларни Қонунга мувофиқлаштириш амалда тугади. Планлаштириш, маблағ ажратиш, кредит бериш, моддий-техника таъминоти бўйича ўнлаб юридик ҳужжатлар бошқатдан ишлаб чиқилди.

Хуллас, янги Қонун амал қилиши, дастлабки кунлариданоқ экономиканинг «марказлашган» уюмларига қоқилмасдан яшаши учун ҳамма ишлар қилинмоқда. Бунда ҳамма нарсани ҳисобга олиш, ҳамма нарсани назарда тутиш қийин, албатта. Чунки бу — ҳали янги, ҳанузгача мисли кўрилмаган иш. Лозим бўлиб қолса йўл-йўлакай тузатишлар киритилади, янги бошқарув механизми такомиллаштирилади. Лекин унинг чизмаси, асосий схемаси, амал қилиш принциплари тўғри акс этганлиги, шубҳасиздир. Бугунги кунда энг муҳими — янгичасига ишлаш мумкин эканлигига ишончсизлик ҳолатидан чиқиб кетиш, янги хўжалик механизми принципларини маҳкам ушлаш, танланган йўлдан чекинмаслик, балки янада олға бориш, бу йўлда ўз умрини ўтаб бўлган хўжалик механизмининг икир-чикирлари ва тугунларини улоқтириб ташлашдир.

**В. К. СЕНЧАГОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**
**(«Неделя»нинг 3-сонидан).**

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ



## Эл дастурхонига

**Озарбайжон ССРдаги «Москва» совхозининг боғбонлари ўтган йили токзорлардан ғоятда юқори ҳосил етиштирдилар. Хўжаликнинг илғор бригадаларида етиштирилган ҳосилнинг шираси ҳар йилдагидан ҳам бошқача бўлди. Кишмишбоп узумлар қуритилиб ва яхши саралаб истеъмолчилар учун тайёрланди. Совхозга қарашли махсус цехларда упаковка қилинган майизлар ҳар бир истеъмолчини қувонтириши мумкин.**

**Суратда: хўжаликнинг тайёрлов цехи моҳир ишчиси Меҳбара Ҳамиева аҳолига жўнатиладиган тайёр кишмишларни намойиш этмоқда.**



## Монтажчилар маҳорати

**Ямбург—Тула—1 газ қувури участкасини бунёд этишда қатнашаётган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Ф. Символоков бошчилигидаги хўжалик ҳисобидаги комплекс бригада аъзолари Волга дарёси остидан ўтадиган қувурларни муддатидан тўққиз ой олдин ётқизишга муяссар бўлдилар. «Востокподводтрубопроводстрой» трестининг ер ости техник ишларни бажарадиган махсус 4-бошқармасига қарашли бу коллектив эгаллаган марра газопровод қурилишининг бошқа участкаларида ҳам ишларни янада тезкорлик билан олиб бориш имкониятини яратди.**

(ТАСС фотохроникаси).

# КЎКЛАМ ЯҚИН, ТАЙЁРГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИНГ!

## Тараддуд

**Поп районидаги «Поп» совхози механизаторлари техника ремонтини қизғин олиб бормоқдалар. Ҳозирга қадар 31 та чопиқ, 35 та ҳайдов тракторлари, 40 та культиватор, 17 та чизель, 600 та зигзаг борона ремонт қилиб қўйилди. Бу ишларда Т. Каримов, Г. Ҳайдаров, М. Юнусовлар актив иштирок этмоқдалар. Ремонтчиларга қулай шарт-шароит яратилган. Улар техника ремонтини 1 февралгача тугаллаш учун курашишмоқда.**

**Совхозда шўр ювиш, ариқ-зовурларни тозалаш, маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ишлари ҳам қизғин боряпти. Ҳар куни 10 та транспорт тракторлари билан 70—80 тонна ўғит ташилмоқда.**

**Б. МАҲМУДОВ.**

## Ремонт қизғин

**Хўжаобод районидаги Абдулла Набиев номли колхоз марказий машина-трактор паркида техника ремонти авжида. Ҳозиргача паркда 12 чопиқ трактори, 10 та сеялка, 13 мола ва культиваторлар, ҳайдов тракторлари созланиб, старт чизиғига келтириб қўйилди. Ремонтдан чиқарилган тракторлар комиссия кўригидан ўтказилмоқда. Маҳмуджон Ғафуров, Исмоил Сотволдиев, Икром Исоқовлар ремонт ишларида актив қатнашмоқдалар. Колхоз механизаторлари ремонтни сифатли ва тез тугатиш учун барча резервларни ишга солмоқдалар.**

**М. ЧУМИРЗАЕВ.**

*Таҳлил ва сабоқ*

# ДЕПСИНИШ

**• ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН ХАТО ВА КАМЧИЛИКЛАРДАН ЖИДДИЙ ХУЛОСА ЧИҚАРИБ ОЛИНМАЯПТИ.**
**• КЎКЛАМГИ ЭКИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚОНИҚАРСИЗ АҲВОЛДА.**
**• ДАЛА ИШЛАРИ СИФАТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАС.**
**• МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТ ТАЙЁРЛАШ, ТЕХНИКАНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ ИШЛАРИ ЧЎЗИЛИБ КЕТМОҚДА.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII пленумида республикадаги қолоқ районлар қаторида Усмон Юсупов райони ҳам ҳаққоний танқид қилинди. Чунки район пахта тайёрлашда бўрноғи йили эришган маррасини ҳам бой берди. Мавжуд 22 минг 430 гектар ердан 57200 тонна ўрнига 26562 тонна пахта териб олиниб, йиллик план 46,4 процентда қолиб кетди.

Машина терими плани ҳам барбод берилди. 11186 тонна пахта «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Ишчи кучи кам қўриқ районда ҳар бир машина билан ўртача 42 тоннадан пахта терилгани нормал ҳол эмас, албатта.

Пахтачиликдаги бу муваффақиятсизликни ташкилотчилик, сиёсий ва хўжалик ишидаги эскича ёндашув оқибати дейиш мумкин. Бу ишлаб чиқаришга интенсив технологияни жорий этишда ҳам, алмашлаб экишни йўлга қўйишда ҳам намоён бўлмоқда. Шунга қарамай пахта-беда алмашлаб экишни кенг амалга ошириш ҳануз эътибордан четда қолаётир. Эндигина экин майдонларининг 70 процентида алмашлаб экишни ўзлаштириш мўлжалланяпти.

Район пахта тайёрлашда ўтган йили Қашқадарё областида энг охирги ўринни эгаллаган бўлса, «Совет Россияси» совхози (директори Очил Шукуров, бош агрономи Холмон Ниёзов) райондаги энг паст кўрсаткичга эришган хўжалик. Совхозда пахта тайёрлаш йиллик плани 26 процентдан нарига ўтмади. Гектарига 6,2 центнердан ҳосил олинди. Машина терими плани 14,7 процентга бажарилди. Бундай ачинарли манзарадан хўжалик раҳбарлари ташвишланяптиларми? Йўқ. Совхозда янги ҳосилга тайёргарлик ишлари билан танишганимизда бунинг гувоҳи бўлдик.

«Тошкент» совхози (директори Ҳайдар Ҳидиров, бош агрономи Носир Чоршанбиев) ҳам аввалги йил кўрсаткичидан анча орқада қолди. Давлатга 7700 тонна ўрнига 3370 тонна пахта сотилди. Машина терими плани 31 процентга зўрға етди. Савол туғилиши мумкин: ўтган йилги доғни ювиш учун нима ишлар қилиняпти? Афсуски, дала ишларида сафарбарлик сезилмайди. Шўр ювиш, ариқ ва зовурларни тартибга келтириш ишлари ўлда-жўлда. Техника ремонти тугалланмаган.

«Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» совхози районда йирик пахтакор хўжалик. Қўриқ совхоз ўтган йили 8 минг тонна пахта етиштириши керак эди. Совхоз директори Нажим Эшонқулов хўжаликка раҳбар бўлиб тайинланганда: «У қиламан, бу қиламан, хўжаликни қолоқлик ботқоғидан олиб чиқаман», дея мақтанганди. Кузда директор елка қисиб қолди. Ҳамманинг орзу-умидини пучга чиқарди. Гектарига 8 центнердан пахта ҳосили олинганлиги, ялпи хирмон 30,8 процентда, машина терими плани 16,6 процентда қолгани унинг ишни эплолмаганлигидан далолат эмасми?

Шунингдек, райондаги Автономов номли, «Янгиобод», «Пахтакор» совхозларида ҳам пахтачиликда жиддий хатоларга йўл қўйилди.

Район раҳбарлари бу соҳада юз берган аҳволни синалмаган пахта чигити экилганлиги билан изоҳламоқчи бўлишади. Тўғри, қарийб 19 минг гектар ерга «Ф-175» навли пахта чигити экилди. Лекин ғўза парвариши технологиясига амал қилган, дала ишларини тўғри ташкил этган 21-совхоздан Амир Файзиев бошлиқ бригада 58 гектар ерга экилган «Ф-175» навли пахтадан гектаридан 24 центнер ўрнига 26,7 центнер, Калинин номли совхоздан Тўра Бекназаров бошлиқ бригада 47 гектар ернинг ҳар гектаридан 23,3 центнер ўрнига 28,6 центнердан, Ульянов номли совхоздан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Гулчеҳра Мўминова бошлиқ бригада 71 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 29,1 центнер ўрнига 32,5 центнердан хирмон кўтариб, юқори натижаларни қўлга киритди-ку!

Афсуски, бир хил шарт-шароитга эга 21-совхозда 22 та, 22-совхозда 26 та, «Совет Россияси» совхозида 23 та бригада эса гектаридан атиги 5—10 центнердан пахта олди. Шу билан бирга 21-совхозда Узоқ Жовлиев, Шерқул Зулфиқоров, Холли Муҳаммадиев, 22-совхоздан Илҳом Раҳимов, Нормамат Файзиев, 10-совхоздан Ҳамро Раҳматов, Ўрол Тошмуродов, Маҳсум Диёров, «Пахтакор» совхозидан Карим Исомов, Ёрқул Сафаров, Ислом Жўраев бошлиқ бригадалар гектаридан 4—5 центнер ва ундан ҳам кам ҳосил олганлиги бу ерларда тартиб-интизом бўшашиб кетганлиги, топширилган иш учун масъулиятни сезмаслик, қатъий назорат йўқлигини кўрсатади.

Ҳалол, виждонан ишлаш ўрнига айбни навдан қидириш бизнингча адолатдан эмас. Ҳамма камчиликлар дала ишлари агротехника қоидалари асосида уюштирилмаганлиги оқибати дейиш мумкин. Энг муҳими кўп жойларда ғўзани суғоришда хатога йўл қўйилди. Ҳадеб устма-уст сув таралаверади. Бу эса ғўзанинг ғовлаб кетишига сабаб бўлди. Ягана ҳам сифатли ўтказилмаганди. Август ойида ўсимликнинг кўкига маҳлиё бўлиниб, парвариш сусайтирилди. Дефолиация сифатли ўтмади. Натижада каттагина миқдордаги ҳосил бой берилди.

Бу районнинг иқтисодий кўрсаткичига катта зарар келтирди. Ҳозир хўжаликларнинг давлатдан 30 миллион сўмдан зиёд қарзи бор. Ўтган йил якуни бўйича районда 1 центнер пахтанинг таннархи 60 сўм 59 тийин ўрнига 71 сўм 63 тийиндан тўғри келди. 21-, 10-, «Янгиобод» совхозларида 1 центнер пахтанинг таннархи 87—97 сўмдан тушмоқда.

Хўш, районда ўтган йилги хатоларни такрорламаслик учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу кунларда РАПО ва хўжаликлар раҳбарлари кўкламги тайёргарлик бўйича бирмунча иш қиляптилар. Жумладан ўрта звено кадрлар — бригадирлар, бўлим бошлиқлари қисқа муддатли курсда ўқитилди. Мавжуд 21 минг гектар ер икки ярусли плуг билан шудгорланди. Пушта оладиган 130 та мослама яратилди. 8 минг гектар ерга фосфорли ўғит солинди. Аммо бу районда кўкламга ҳозирлик яхши, деган гап эмас. Кўпгина бригадалар далалари ғўзапоядан тўлиқ тозаланмасдан шошма-шошарлик билан шудгор қилинган.

Хўжаликларда 7 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши, 1700 гектар ернинг шўри ювилиши керак. Аммо ҳозирча бу ишларга киришилмай, қимматли вақт бой берилмоқда. Маҳаллий ўғит жамғариш ҳам талабга жавоб бермайди. 31 минг тонна маҳаллий ўғит тўпланган, холос. Пол олиш, ариқларни бетонлаштириш ишлари чўзиляпти.

Техниканинг мавсумга тайёргарлиги ҳам суст. 390 та чигит экиш сеялкасидан 252 таси, 425 та чопиқ тракторидан 318 таси, 404 та культиватордан 200 таси ремонтдан чиқарилган. Кўкламга тайёргарлик, айниқса Калинин номли, Автономов номли, 22-совхозларда ёмон аҳволда.

Маълумки, пахтачилик тақдирини мутахассис кадрлар ҳал қилади. Шуни ҳисобга олиб бу йил РАПО (кенгаши раиси Т. Сатторов) бир қатор тадбирларни ишга солмоқда. Бригада ва бўлим бошқарувчиларининг кўпчилиги ўзгартирилди. Энди уларнинг 40 процентини мутахассис кадрлар ташкил этади. Ўз-ўзидан равшанки бу билан ҳам аҳволни ўнглаш қийин. Аввало ишни яхшилаш учун РАПОнинг ўзида етакчи кучларни жамлаш мақсадга мувофиқдир.

Бир сўз билан айтганда, бир жойда депсиниш, бепарволик ва ишга эскича ёндашув қимматга тушади. Шу зайлда иш тутилганлиги оқибатида ўтган йилларда йўл қўйилган хатолар келажак учун сабоқ бўлмоғи лозим. Буни район партия ва совет ташкилотлари раҳбарлари унутмасликлари зарур.

**М. КАРОМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

